

## ПАРАНОИД ШИЗОФРЕНИЯ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА ДИГЕСТИВ БУЗИЛИШНИНГ АРТ-ТЕРАПИЯСИ



Бабарахимова Сайёра Бориевна, Мирворисова Замира Шухратовна, Файзуллаева Камилла Радиковна  
Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш.

### АРТ-ТЕРАПИЯ ДИГЕСТИВНЫХ РАССТРОЙСТВ У БОЛЬНЫХ ПАРАНОИДНОЙ ШИЗОФРЕНИЕЙ

Бабарахимова Сайёра Бориевна, Мирворисова Замира Шухратовна, Файзуллаева Камилла Радиковна  
Ташкентский педиатрический медицинский институт, Республика Узбекистан, г. Ташкент

### ART THERAPY OF DIGESTIVE DISORDERS IN PATIENTS WITH PARANOID SCHIZOPHRENIA

Babarakhimova Sayyora Borievna, Mirvorisova Zamira Shukhratovna, Fayzullaeva Kamilla Radikovna  
Tashkent Pediatric Medical Institute, Republic of Uzbekistan, Tashkent

e-mail: [sayorababaraximova2010@gmail.com](mailto:sayorababaraximova2010@gmail.com)

**Резюме.** Мақсад: параноид шизофрениaning клиник кўринишида юзага келадиган дигестив бузилиши бўлган беморларда ушбу гуруҳ беморларига тиббий ва психологик ёрдам кўрсатишни яхшилаш учун арт терапия самардорлигини ўрганиш. Материал ва Методлар: Тадқиқотда психиатрия шифохонасидаги параноид шизофрениaning 37 нафар бемор иштирок этди. Улардан 19 нафари аёл, 18 нафари эса дигестив бузилиши эркаклар бўлиб, тадқиқот давомида клиник, психопатологик тадқиқот усулларидан фойдаланилган. Психометрик усуллардан Калгари шкаласи, PANSS шкаласи, EAT-40 қўлланилди: озиқ-овқат истеъмолига муносабат тести (анорексия ва булимия диагностикаси), шунингдек, беморнинг тарихини ретроспектив таҳлил қилиш. Барча беморларга рационал психотерапия ва музика терапияси билан биргаликда арт-терапиянинг гуруҳ машғулотлари шаклида психотерапия ишлари ўтказилди. Натижалар: Арт-терапиянинг гуруҳ машғулотларидан сўнг, депрессив патологиянинг оғирлиги сезиларли даражада пасайган ва дигестив бузилиши камайган. Хулоса: Ушбу тадқиқотлар параноид шизофрениaning беморларда бузилишларини даволашга комплекс ёндашувни оптималлаштириш, касалхонага ётқизиш сонини камайтириш, ремиссия даврларини узайтириш ва юзага келиши мумкин бўлган соматик асоратларни олдини олиш имконини беради.

**Калим сўзлар:** арт-терапия, параноид шизофрениaning, дигестив бузилишлар, гендер фарқлар.

**Abstract.** Objective: to study the effectiveness of art therapy in patients with digestive disorders occurring in the clinical picture of paranoid schizophrenia to improve medical and psychological care for this group of patients. Material and methods: The study included 37 patients with paranoid schizophrenia who were hospitalized in a psychiatric hospital. Among them, there were 19 female patients and 18 men with eating disorders. During the study, clinical, psychopathological and follow-up methods of research were used. Of the psychometric methods, the Calgary Scale, PANSS Scale, EAT-40 were used: a test of attitude to food intake (diagnosis of anorexia and bulimia) as well as a retrospective analysis of patient histories. All patients underwent psycho-corrective work in the form of group sessions of art therapy in combination with rational psychotherapy and music therapy. Conclusion: thus, the results obtained during the study contribute to the improvement of the planning of the provision of pharmacotherapy in combination with psychotherapy. The used integrative methods of psychotherapy for patients with paranoid schizophrenia, taking into account gender characteristics in psychiatric hospitals, will help optimize the rehabilitation of patients with restrictive eating behavior, reduce the number of hospitalizations and maximize the remission period.

**Keywords:** art therapy, paranoid schizophrenia, eating disorders, gender differences.

**Кириш:** Параноид шизофрениaning беморларда дигестив бузилишларини ўрганиш муаммосининг долзарблиги амалий соғлиқни сақлашнинг энг муҳим вазифаларидан биридир [1,3,7]. Адабиётда шизофрениaning беморларда овқат ҳазм қилиш бузилиши бўйича жуда кам

илмий ишлар мавжуд бўлиб, улар асосан гендер фарқлари ва синдромологик жиҳатдан клиник фарқларнинг ўзига хос хусусиятига эътибор бермасдан, ушбу ходисанинг клиник кўринишини ўрганадилар [2,6].



Расм 1. Эркак беморларнинг ижоди

Дигестив бузилиш билан бирга келадиган параноид шизофренияли беморларда психотерапевтик аралашувнинг самарадорлиги бугунги кунгача амалий психиатрияда мунозарали масала бўлиб қолмоқда[4,5].

**Тадқиқот мақсади:** параноид шизофрениянинг клиник кўринишида юзага келадиган дигестив бузилиши бўлган беморларда ушбу гуруҳ беморларига тиббий ва психологик ёрдам кўрсатишни яхшилаш учун арт терапия самарадорлигини ўрганиш.

**Материал ва методлар:** Тадқиқотда психиатрия шифохонасидаги параноид шизофренияли 37 нафар бемор иштирок этди.

Улардан 19 нафари аёл, 18 нафари эса дигестив бузилишли эркаклар бўлиб, тадқиқот давомида клиник, психопатологик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Психометрик усуллардан Калгари шкаласи, PANSS шкаласи, EAT-40 қўлланилди: озиқ-овқат истеъмолига муносабат тести (анорексия ва булимия диагностикаси), шунингдек, беморнинг тарихини ретроспектив таҳлил қилиш. Барча беморларга рационал психотерапия ва мусика терапияси билан биргаликда арт-терапиянинг гуруҳ машғулоти шаклида психотерапия ишлари ўтказилди.

**Изланиш натижалари:** Аёлларда дигестив бузилишининг гендер хусусиятлари асосан хаддан ташқари овқатланиш, метаболик синдромнинг шаклланиши билан ифодаланган.

Эркакларда дигестив бузилиш кўпинча овқатдан бош тортиш, вазн йўқотишга ёрдам берадиган пархез кўшимчаларидан фойдаланиш билан намоён бўлди, бу эса мослашишнинг пасайишига ва эндоген жараённинг қайталанишига олиб келди.

Психотерапевтик аралашувнинг асосий усули "Озиқ-овқат" стрессга қарши ранг берувчи трафаретлардан фойдаланган ҳолда арт терапия эди. Арт-терапиядан олдин барча текширилган беморларда депрессия белгиларининг оғирлик даражаси мавжуд эди. Арт-терапия машғулоти Тошкент шаҳридаги шаҳар руҳий каксалликлар клиник шифохонасининг ёпиқ бўлимларида клиник ва тиббий психологлар томонидан ҳафтасига уч марта, беморларни уч ойлик кузатув давомида 45-60 дақиқа давом этган ҳолда ўтказилди. Эркак беморларнинг кўпчилиги психотерапевтнинг вазифаларини бажаришдан мамнун бўлишди, асосан арт терапия вақтида ёрқин иссиқ ранглардан фойдаланганлар (1-расм).

Эркак беморлар кўп ҳолларда гўшт маҳсулотлари, тез тайёрланадиган таомларнинг трафаретларини бўяшни афзал кўришди.

Эркакларда акварел ва гуаш бўёқ палитрасининг табиий рангларидан фойдаланиш кузатилди. Аёл беморлардан фарқли ўлароқ, эркаклар арт-терапия машғулотида камдан-кам ҳолларда мозаика, аппликация ва нақшли трафаретларни бисер билан безашган. Аёллар қандолатчилик маҳсулотларини акс эттирувчи шаблонларни бўяшдан хурсанд бўлишди - торт, хамир овқатлар, ширинликлар, пицца, нон маҳсулотлари (2-расм).

Эркаклардан фарқли ўлароқ, аёллар озиқ-овқатли расмларни бўяш учун ранглар палитрасининг совуқ рангларини танладилар, бу уларнинг танловини овқатдан нафратланиш ва иштаҳанинг етишмаслиги билан тушунтирилади. Беморлар кўп ҳолларда бўяш трафаретларини аквареллар билан мозаик дизайн, аппликация, гуруч, гречка ва ловия донларини чизмаларга ёпиштириш билан бирлаштирдилар (3-расм).



Расм 2. Аёл беморларнинг ижоди



Расм 3. Арт-терапия усулларида биргаликда фойдаланиш

Аёллар томонидан арт-терапия усулларида биргаликда фойдаланиш психо-корректив аралашувнинг тинчлантирувчи компонентининг янада самарали таъсири билан изохланди. Арт-терапиянинг гуруҳ машғулотларидан сўнг, депрессив патологиянинг оғирлиги сезиларли

даражада пасайган ва дигестив бузилиши камайган.

**Хулосалар:** Ушбу тадқиқотлар параноид шизофренияли беморларда бузилишларини даволашга комплекс ёндашувни оптималлаштириш, касалхонага ётқизиш сонини

камайтириш, ремиссия даврларини узайтириш ва юзага келиши мумкин бўлган соматик асоратларни олдини олиш имконини беради.

#### **Адабиётлар:**

1. Антохин Е.Ю. Гендерные аспекты психогенных депрессий: особенности клиники, подходы к терапии // Социальная и клиническая психиатрия. 2010. - №2. - С.52-60
2. Бабарахимова С.Б., Шаханская О.В., Искан্দарова Ж.М. Личностные особенности женщин с депрессивными расстройствами и их влияние на качество жизни // Сборники конференций НИЦ Социосфера 2013. – №21. – С.109-112.
3. Бабарахимова С.Б., Мирворисова З.Ш., Файзуллаева К.Р. Особенности психокоррекции расстройств пищевого поведения у больных параноидной шизофренией с учётом гендерных особенностей // Материалы международной научно-практической конференции «Интеграция науки и практики в медицине: достижения и перспективы», Кемерово, 2022. - С.236-242.
4. Демидова, Т. Ожирение проблема всех возрастов и всех стран / Т. Демидова // Диабет. Образ жизни. - 2000. - № 2. - С. 38-41.
5. Ромацкий, В. В. Феноменология и классификация нарушений пищевого поведения: аналитический обзор литературы, часть II / В. В. Ромацкий, И. Р. Семин // Бюллетень сибирской медицины. 2006. - №4. - С. 83.
6. Neumarker, K. Perspectives of eating disorders from the Charite Hospital in Berlin / K. Neumarker, A. Bartsch // Eur. Child Adolesc. Psychiatry. 2003. - V. 12.-P. 14-19.
7. Matveeva A.A., Sulonova K.B., Abbasova D.S. et al. Optimization of psycho-diagnostics of emotional states // Danish Scientific Journal. 2020. VOL 3, No 5 pp. 24-27

#### **АРТ-ТЕРАПИЯ ДИГЕСТИВНЫХ РАССТРОЙСТВ У БОЛЬНЫХ ПАРАНОИДНОЙ ШИЗОФРЕНИЕЙ**

Бабарахимова С. Б., Мирворисова З. Ш.,  
Файзуллаева К.Р.

**Резюме.** Цель: изучить эффективность применения арт-терапии у пациентов с дигестивными нарушениями, встречающимися в клинической картине параноидной шизофрении для улучшения медико-психологической помощи данному контингенту больных. Материал и методы: в исследование были включены 37 пациентов с параноидной шизофренией, находившихся на стационарном лечении в психиатрической больнице. Среди них лиц женского пола было 19 пациенток и 18 мужчин с расстройствами пищевого поведения. В ходе исследования использованы клинико-психопатологический и катamnестический методы исследования. Из психометрических методов использованы Шкала Calgary, Шкала PANSS, EAT-40: тест отношения к приему пищи (диагностика анорексии и булимии) а также ретроспективный анализ историй болезни пациентов. Всем пациента проводилась психокоррекционная работа в виде групповых сеансов арт-терапии в комбинации с рациональной психотерапией и музыкотерапией. Результаты: После групповых сеансов арт-терапии отмечалось значительное снижение тяжести депрессивной патологии и редукция расстройств пищевого поведения. Вывод: полученные в ходе исследования результаты способствуют улучшению планирования оказания фармакотерапии в комбинации с психотерапией. Использованные интегративные методы психотерапии для пациентов с параноидной шизофренией с учётом гендерных особенностей в условиях психиатрических больниц помогут оптимизировать реабилитацию пациентов с ограниченным пищевым поведением, сократить количество госпитализаций и максимально продлить период ремиссии.

**Ключевые слова:** арт-терапия, параноидная шизофрения, расстройства пищевого поведения, гендерные различия.